

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**10-сон**  
**(1082)**  
**2023 йил**  
**март**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

71. «Давлат мулкани бошқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 мартдаги ўРҚ–821-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

72. «Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 мартдаги ПҚ–88-сон қарори

73. «Кекса авлод вакиллари хар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ–92-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

74. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 7-martdagi 3-mh-son “Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlarining kasb etikasi qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 7-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3422*)
75. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 декабрдаги 30/26-сон «Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3423*)
76. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 11 мартдаги 4-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1091-2*)
77. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2023 йил 2 мартдаги 51-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3424*)
78. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 23 февралдаги 63-к/қ-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 февралдаги 3-сон «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 71

#### Давлат мулкани бошқариш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
15 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 июнда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат мулкани бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Табиий ресурсларни (ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, фойдали қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар), моддий маданий мерос объектларини, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, олтин захирасини, валюта фондини, уй-жой фондини ва бошқа давлат фондларини бошқариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳамда унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг мулкани бошқариш соҳасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунлари билан тартибга солинади.

##### 2-модда. Давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчилик

Давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Хорижда турган давлат мулкани бошқариш ушбу мулк турган давлатнинг қонунчилиги инobatга олинган ҳолда амалга оширилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат иштирокидаги корхона** — устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори эллик фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамияти ёхуд устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори хўжалик жамиятининг бошқа ҳар бир акциядори (иштирокчиси) улушига нисбатан кўп бўлган хўжалик жамияти, шунингдек давлат унитар корхонаси;

**давлат муассасаси** — бошқарув вазифаларини, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 мартда эълон қилинган.

давлат органи ёки ташкилоти томонидан ташкил этилган ҳамда тўлиқ ёхуд қисман у томонидан молиялаштириладиган ташкилот;

**давлат мулки** — республика мулкидан ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган оммавий мулк;

**давлат мулки реестри** — давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона электрон ахборот базаси;

**давлат улуши** — хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат унитар корхоналарига, давлат муассасаларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли бўлган акциялар ёки улушлар;

**давлат унитар корхонаси** — давлат мулки негизида ташкил этилган ва оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган тижорат ташкилоти.

#### **4-модда. Давлат мулкини бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Давлат мулкини бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат мулкининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш;

давлат мулки ушбу Қонунда кўрсатилган мезонларга мувофиқ бўлганда унга эгалик қилиш;

рақобат ривожланган соҳаларда давлат мулкини хусусийлаштириш, қайта ташкил этиш ва тугатиш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш;

давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятига замонавий корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;

очиқ ва шаффоф ҳисобот тизимини яратиш;

давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш, шунингдек уларни ички ва ташқи бозорларда рақобатлашишга қодир бўлган, самарали корхоналарга босқичма-босқич айлантириш бўйича чоралар кўриш.

#### **5-модда. Давлат мулкини бошқаришнинг асосий принциплари**

Давлат мулкини бошқаришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

ҳисобдорлик;

очиқлик ва шаффофлик;

соғлом рақобат учун шарт-шароитларнинг тенглиги;

давлат мулкига эгалик қилишнинг асосланганлиги;

давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги;

мулкдор ва тартибга солувчи вазифаларининг ажратилганлиги;

атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишнинг устуворлиги.

**6-модда. Қонунийлик принципи**

Давлат мулкани бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

**7-модда. Ҳисобдорлик принципи**

Давлат иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотнинг, шунингдек ўзининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) тақдим этиб борилишини таъминлайди.

Давлат муассасалари, шу жумладан давлат органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўзларига бириктирилган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда Агентликка тақдим этади.

Агентлик давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий натижадорлик ва давлат мулкидан фойдаланиш ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир йилда камида бир марта, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига эса уларнинг сўровлари бўйича ҳисобот бериб боради.

**8-модда. Очиқлик ва шаффофлик принципи**

Давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар барча учун очиқ бўлиши керак, бундан қонунга мувофиқ улар тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди-ган давлат мулки мустасно.

Давлат мулкани жисмоний ва нодавлат юридик шахсларга реализация қилиш, шунингдек ижарага ва ишончли бошқарувга бериш оммавий савдолар орқали (аукционлар, танловлар ёки музокараларга оммавий таклиф этиш йўли билан) амалга оширилиши керак.

Давлат мулкани бошқариш самарадорлиги тўғрисидаги ҳисобот оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан давлат мулкани бошқариш субъектларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши керак.

**9-модда. Соғлом рақобат учун шарт-шароитларнинг тенглиги принципи**

Давлат мулкани бошқариш давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартиришга, хусусан, уларнинг товар ва молия бозорларидаги устун мавқеини бекор қилишга, шунингдек харидларнинг очиқ ва шаффоф тизимини яратишга қаратилган бўлиши керак.

Давлат иштирокидаги корхоналарга ва нодавлат юридик шахсларга улар хўжалик фаолиятини юритиши учун тенг шарт-шароитлар яратилади, шунингдек давлат иштирокидаги корхоналарга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар берилмайди.

**10-модда. Давлат мулкига эгалик қилишнинг асосланганлиги принципи**

Давлат мулкига эгалик қилишга ушбу мулк қўйидаги мезонлардан бирига ёки бир нечтасига мувофиқ бўлган тақдирда йўл қўйилади:

асосий фаолиятни табиий монополиялар соҳасида амалга ошириш;

аҳоли учун зарур бўлган, кўрсатилиши хусусий сектор учун норентабел бўлган таянч хизматларни кўрсатиш;

фаолиятни стратегик манфаат, шунингдек аҳоли хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида амалга ошириш ёки миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ушбу Қонунга мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган давлат мулкининг мавжуд бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан давлат мулкига эгалик қилишнинг ўзгача мезонлари ҳам белгиланиши мумкин.

**11-модда. Давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги принципи**

Давлат мулкини бошқариш субъектлари ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қаноатлантириш ҳамда уларнинг фаровонлиги мақсадида давлат мулкидан самарали фойдаланиш чораларини кўриши керак.

**12-модда. Мулкдор ва тартибга солувчи вазифаларининг ажратилганлиги принципи**

Давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдорнинг, ҳам тартибга солувчининг вазифаларини бажаришга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат мулкдорнинг вазифаларини давлат органидан Агентликка ўтказиш ёки мазкур корхонани тугатиш ёхуд тартибга солувчининг вазифаларини ушбу давлат органидан бошқа давлат органига ўтказиш йўли билан бартараф этилади.

**13-модда. Атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишнинг устуворлиги принципи**

Давлат мулкини бошқариш атроф-муҳитни, шу жумладан биосфера ва экологик тизимлар барқарорлигини сақлашга, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлигини ҳамда фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

**2-боб. Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келиши ва бекор қилиниши асослари****14-модда. Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келиши асослари**

Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган асосларга кўра юзага келади.

Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги асосларга кўра ҳам юзага келиши мумкин:

шартномалар ва бошқа битимлар тузилганда, шу жумладан гарчи қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ҳамда бошқа битимлар тузилганда;

мол-мулкни ва (ёки) мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликни, шунингдек давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендларни хўжалик жамиятининг устав фондига (устав капиталига) киритиш йўли билан улушни олишда;

суд қарорлари асосида.

### **15-модда. Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши асослари**

Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилинади.

Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги асосларга кўра ҳам бекор қилиниши мумкин:

хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ;

давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи мулкӣ ҳуқуқларни (улушларни) олиш эвазига бошқа шахсга ўтганда.

### **3-боб. Давлат мулки, унинг тоифаларини ўзгартириш. Давлат мулкини бошқариш субъектлари ва уларнинг ваколатлари**

#### **16-модда. Республика мулки**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 214-моддасида назарда тутилган давлат мулки республика мулки жумласига киради.

Республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағлари ёки давлатнинг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган ўзга мол-мулк, шу жумладан давлат унитар корхонаси, давлат муассасаси, хўжалик жамиятининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши, шунингдек интеллектуал мулк объектлари республика мулки жумласига кириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган давлат мулки ҳам республика мулки жумласига киритилиши мумкин.

Республика мулкини бошқариш ва сақлашга доир харажатларни молиялаштириш республика бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### **17-модда. Муниципал мулк**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 215-моддасида назарда тутилган давлат мулки муниципал мулк жумласига киради.

Маҳаллий бюджет маблағлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти орган-

ларининг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган ўзга мулк, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тасарруфида турган муниципал уй-жой фонди, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва мактабгача таълим тизимларининг корхоналари ҳамда муассасалари, маданият ва маданий фаолият ташкилотлари, хўжалик жамиятининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши ҳамда интеллектуал мулк объектлари муниципал мулк жумласига кириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган давлат мулки ҳам муниципал мулк жумласига киритилиши мумкин.

Муниципал мулкни бошқариш ва сақлашга доир харажатларни молиялаштириш тегишинча маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **18-модда. Давлат мулкининг тоифасини ўзгартириш**

Давлат мулки республика мулки тоифасидан муниципал мулк тоифасига, муниципал мулк тоифасидан эса республика мулки тоифасига ўтказилиши мумкин.

Давлат мулки тоифасининг ўзгартирилиши давлатнинг мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тугатилишига олиб келмайди.

Давлат мулкининг тоифасини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Агентлик томонидан давлат мулки реестрига тегишли ёзувларни киритиш орқали амалга оширилади.

### **19-модда. Хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки**

Қуйидаги давлат мулки хусусийлаштирилмайди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги ер (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно), ер ости бойликлари, шунингдек сув омборлари, шу жумладан қор ва сел натижасида тўпланган сув омборлари, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

моддий маданий мерос объектлари, архив ҳужжатлари, давлат музейлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шу жумладан хиёбонлар ва ботаника боғлари;

пул белгиларини, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ҳамда почта маркаларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиянинг, Ички ишлар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг корхоналари, муассасалари, шунингдек ҳарбий техникавий мулки (саноатда утилизация қилингунига қадар ёки саноатда утилизация қилинмайдиган мулки);

ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-уску-



налар ва жихозларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

радиоактив элементларни кавлаб олишни, ишлаб чиқаришни, транспортда ташишни, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмишни, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

курол-яроғ ва ўқ-дориларни, ҳимоя воситаларини, ҳарбий техникани, улар учун эҳтиёт қисмларни, бутловчи қисмларни ҳамда асбоб-ускуналарни, пиротехника буюмларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва ускуналарни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни, таъмирлашни ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

кучли таъсир этувчи заҳарларни, гиёҳвандлик моддаларини ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинларни экишни, етиштиришни ҳамда қайта ишлашни амалга оширувчи корхоналар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари, фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик мақсадидаги объектлар ва мулк;

ядровий қурилмалар, сақлаш пунктлари (ядровий материалларни, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламларини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини сақлаш пунктлари), ядровий ёқилғи, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламлари, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи, ядровий материаллар (табиий уран, уран-235 изотопи билан бойитилган барча шаклдаги уран, уран-233 изотопи, плутоний, америций, калифорний элементларининг барча изотоплари, Np-237 изотопи ва таркибида барча санаб ўтилган изотоплар бўлган аралашмалар);

портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни транспортда ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

санитария-эпидемиология станциялари, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш хизматлари;

махсус вазифаларни бажарувчи корхоналар (Республика махсус алоқа узели, 15361 рақамли ҳарбий қисм, Электромагнит мослашув маркази);

дафн этиш жойлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан бошқа давлат мулки ҳам хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки жумласига киритилиши мумкин.

## **20-модда. Давлат мулкини бошқариш субъектлари**

Давлат мулкини бошқариш субъектлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Агентлик;

махсус ваколатли давлат органлари;

давлат муассасалари, шу жумладан давлат органлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Давлат мулкани бошқариш субъектлари давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланган ўз ваколатларини бошқа давлат органларидан, ўзга ташкилотлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан, жисмоний ва юридик шахслардан мустақил равишда амалга оширади.

**21-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат мулкани бошқаришда давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан давлат органларининг ҳамкорлигини таъминлайди;

давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ривожлантириш дастурларини тасдиқлайди;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни саралаш тартибини (танлов регламентини) тасдиқлайди;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлган хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) давлат мулкига сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилади;

давлат мулкани текин фойдаланишга бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

кўчмас мулкни бир давлат муассасаси ёки давлат унитар корхонасидан бошқа давлат муассасаси ёки давлат унитар корхонасига ўтказиш тартибини белгилайди;

хорижда турган давлат мулкани бошқариш тартибини белгилайди;

корпоратив бошқарувчининг малака аттестатини олиш тартибини белгилайди;

давлат мулки реестрини юритиш тартибини белгилайди;

давлат унитар корхоналарини ва давлат муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ҳамда уларнинг фаолият юритиш тартибини белгилайди;

давлат унитар корхонаси ва давлат муассасаси, шу жумладан давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулкӣ муносабатларни ўзгартириш тартибини белгилайди;

давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган, реализация қилиниши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши лозим бўлган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини ҳар йили 1 октябрга қадар бўлган муддатда тасдиқлайди;

давлат иштирокидаги корхоналарни, давлат муассасаларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг (бундан буён матнда монополияга қарши курашиш органи деб юритилади) олдиндан берилган розилиги асосида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**22-модда. Агентликнинг давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Агентлик давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Агентлик:

давлат мулкани бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат мулканинг реестрини юритади;

давлат муассасаларининг, шу жумладан давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкани бошқариш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат мулкидан фойдаланиш қоидаларини ва давлат мулкани бошқариш самарадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди;

давлат унитар корхоналарига ва давлат муассасаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилган давлат мулканинг ортиқча қисмини, шунингдек фойдаланилмаётган ёки лозим даражада фойдаланилмаётган давлат мулкани олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра давлат мулкани хўжалик жамиятларининг устав фондига (устав капиталига) киритиш тўғрисида қарор қабул қилади;

давлат улушига нисбатан акциядор (иштирокчи) вазифасини амалга оширади, бундан акциядорнинг (иштирокчининг) вазифалари ушбу Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар мустасно;

давлат мулканинг, шу жумладан хорижда турган давлат мулканинг сотувчиси вазифаларини бажаради, шунингдек уларнинг ижарага берилишини ва ишончли бошқарувга ўтказилишини ташкил этади;

монополияга қарши курашиш органи, манфаатдор вазирликлар, қўмиталар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини таҳлил (инвентаризация) қилади ва сақлаб қолиниши, реализация қилиниши ёки тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши лозим бўлган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини белгилайди ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда дивиденд сиёсатини белгилайди, давлат улуши бўйича ҳисобланган ва тўланган дивидендларнинг (ажратмаларнинг) ҳисобини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларини тасдиқлайди;

корпоратив бошқарув принципларига мувофиқ давлат иштирокидаги кор-

хоналарнинг кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органлари раҳбарларини уларнинг бошқарув органлари орқали тайинлашни (танлов ўтказишни, сайлашни) ташкил этади;

тегишли давлат органлари билан келишувга кўра давлат кўчмас мулк объектларини (бундан хусусийлаштирилмайдиган объектлар мустасно), идоравий мансублигидан қатъи назар, оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бир давлат муассасаси ёки давлат унитар корхонасидан бошқа давлат муассасаси ёки давлат унитар корхонасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини хўжалик жамияти этиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади;

давлат органларидан, давлат мулкидан фойдаланаётган шахслардан давлат мулкани бошқариш билан боғлиқ ахборотни ва ҳужжатларни сўраб олади;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари мажлисларида уларнинг раҳбарларини алмаштириш масаласи юзасидан ташаббус билан чиқади;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ёки махсус масалалар бўйича аудиторлик текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқади;

давлат мулкани хусусийлаштириш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун ишончли бошқарувчилар, маслаҳатчилар ва экспертларни жалб этади, шунингдек уларга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди.

Агентлик қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Агентлик республика мулки жумласига кирувчи давлат мулкани ишончли бошқарувга беришда, шунингдек Агентликка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган давлат мулкани ижарага беришда наф олувчи бўлади.

Агентлик томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари томонидан ижро этилиши шарт.

### **23-модда. Махсус ваколатли давлат органларининг давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан алоҳида давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш учун махсус ваколатли давлат органлари белгиланиши мумкин.

Махсус ваколатли давлат органлари:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушига нисбатан акциядор (иштирокчи) вазифаларини амалга оширади;

акциядор (иштирокчи) вазифаларини амалга оширишда давлат иштирокидаги корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳолатини таҳлил қилади.

Махсус ваколатли давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**24-модда. Давлат муассасаларининг, шу жумладан давлат органларининг давлат мулкни бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат муассасалари, шу жумладан давлат органлари:

оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўзига бириктирилган давлат мулкни қонунчиликда белгиланган тартибда ижарага беради;

оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўзига бириктирилган давлат кўчар мулкни, шу жумладан транспорт воситаларини қонунчиликда белгиланган ўз ваколатлари доирасида тасарруф этади;

ўз таркибига кирувчи ташкилотларга тегишли кўчмас мулкни бир ташкилотдан бошқа бирига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш тўғрисида Агентлик билан келишувга кўра қарор қабул қилади;

ўз бўйсунувидаги давлат унитар корхоналарининг ва давлат муассасаларининг муассиси вазифаларини амалга оширади ҳамда уларнинг самарали бошқарилишини таъминлайди.

Давлат муассасалари, шу жумладан давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**25-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкни бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳолларда хўжалик жамиятларидаги давлат улушларига нисбатан акциядор (иштирокчи) вазифаларини амалга оширади;

маҳаллий бюджет маблағлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқа маблағлари ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган давлат унитар корхоналарида, давлат муассасаларида муассис вазифаларини амалга оширади;

давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади;

муниципал мулкни белгиланган тартибда ижарага ёки ишончли бошқарувга беради;

муниципал мулкни давлат унитар корхоналарига ва давлат муассасаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктириш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади;

муниципал мулк ҳисобидан ташкил этилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари орқали уларнинг кузатув кенгашлари аъзоларини ва ижроия органлари раҳбарларини тайинлашни (танлов ўтказишни, сайлашни) белгиланган тартибда, корпоратив бошқарув принципларига мувофиқ ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишинча ўз тасарруфидаги ҳудудда турган те-

гишли ҳудуддаги қўйидаги муниципал мулкни сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилади:

бинолари ва иншоотларининг умумий майдони икки минг квадрат метрга-ча бўлган кўчмас мулк объектларини, шу жумладан молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ва қурилиши тугалланмаган шу ўлчамдаги кўчмас мулк объектларини;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини, башарти ушбу корхоналар асосий воситаларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик минг бараваридан кўп бўлмаса ва улар ходимларининг ўртача йиллик сони беш юз нафардан ошмаса.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бинолар ҳамда иншоотларнинг умумий майдони икки минг квадрат метрдан ортиқ бўлган, бироқ беш минг квадрат метрдан кўп бўлмаган муниципал мулкни (бундан хусусийлаштирилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки мустасно) сотиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **4-боб. Давлат мулкига эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишнинг умумий қоидалари**

#### **26-модда. Давлат мулкига эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланиш**

Давлат мулкига эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланиш давлат мулкни бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат мулки ижарага, ишончли бошқарувга, текин фойдаланишга, сақлашга ва гаровга, шунингдек давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилиши мумкин.

Хусусийлаштирилмайдиган давлат мулкига эгаллик қилишга ва (ёки) ундан фойдаланишга ижара шартномасига ёки давлат мулкни ишончли бошқариш шартномасига, давлат мулкдан текин фойдаланиш шартномасига, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга, шу жумладан концессия шартномасига асосан йўл қўйилади.

Давлат мулки ўзига бириктирилган шахслар давлат мулкдан оқилона ва самарали эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишини таъминлайди ҳамда ўзига ишониб топширилган мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, унинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш учун масъулдир.

Давлат мулкнинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тасдиқланган харажатлар сметала-

рига мувофиқ, ушбу давлат мулки ўзига бириктирилган давлат органлари, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари томонидан амалга оширилади.

### **27-модда. Давлат мулкини ижарага бериш**

Давлат мулки жисмоний шахсларга ва нодавлат юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион асосида (бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), аукцион ўтказилиши тўғрисида камида ўн беш кун олдин хабардор қилинган ҳолда ижарага берилади.

Давлат мулкини ижарага бериш шартномаси ижарага олувчи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ўртасида тузилади.

Давлат мулкини ижарага бериш шартномаси бир йил муддатга тузилади, бундан қонунчиликда белгиланган муддатлар мустасно. Давлат мулкини ижарага олган жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилган тақдирда, давлат мулкини ижарага бериш муддати тугаганидан кейин мазкур мулк уларга электрон онлайн-аукцион ўтказилмаган ҳолда худди шу муддатга таклиф этилади.

Давлат мулки ўзига ижарага берилган жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар ижаранинг бутун муддати давомида ундан мақсадли фойдаланилишини, унинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлайди.

Давлат мулкини ижарага бериш шартномасида давлат мулкининг ҳар қандай яхшиланиши балансда сақловчининг ёзма розилиги билан амалга оширилиши назарда тутилиши керак.

Давлат мулкини ижарага бериш шартномаси бекор қилинган тақдирда, давлат мулкининг ажралмас қисми бўлган яхшиланишларнинг қийматини ижарага олувчига қайтармаслик тўғрисидаги шарт давлат мулкини ижарага бериш шартномасида назарда тутилиши мумкин.

### **28-модда. Давлат мулкини ишончли бошқариш**

Давлат мулки жисмоний шахсларга ва нодавлат юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион воситасида ишончли бошқарувга берилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Давлат мулкини ишончли бошқариш Агентлик ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган давлат мулкини ишончли бошқариш шартномасига асосан юзага келади.

Давлат унитар корхоналари ва бошқа мулкӣ мажмуалар, кўчмас мулкнинг алоҳида қисмлари, давлат улуши, мутлақ ҳуқуқлар ва бошқа давлат мулки давлат мулкини ишончли бошқариш объекти бўлиши мумкин.

Давлат мулкини ишончли бошқариш шартномаси тасдиқланган йиллик бизнес-режаларни бажариш шarti билан беш йилгача бўлган муддатга тузилади, бундан қонунчиликда белгиланган муддатлар мустасно.

Давлат мулкани ишончли бошқариш шартномаси тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинаётганда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бошқа тараф камида уч ой олдин хабардор қилиниши керак.

Давлат мулканиннг ишончли бошқарувга берилиши мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига сабаб бўлмайди.

Давлат мулкани давлат органларига ишончли бошқарувга беришга йўл қўйилмайди.

### **29-модда. Давлат мулкидан текин фойдаланиш**

Давлат мулки юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ текин фойдаланишга берилади.

Давлат мулкани текин фойдаланишга бериш балансда сақловчи томондан юридик шахс билан тузиладиган давлат мулкидан текин фойдаланиш шартномасига асосан амалга оширилади.

Давлат мулкидан текин фойдаланиш шартномаси ҳар бир молия йили учун алоҳида тузилади.

Кўчмас ва кўчар мулк объектлари давлат мулкидан текин фойдаланиш шартномасининг объекти бўлиши мумкин.

Юридик шахслар ўзига текин фойдаланишга берилган давлат мулкидан текин фойдаланишнинг бутун муддати давомида мақсадли фойдаланилишини, унинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлайди.

Текин фойдаланишга берилган давлат мулканиннг ҳар қандай яхшилаши балансда сақловчининг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Давлат мулкидан текин фойдаланиш шартномасида давлат мулканиннг ажралмас қисми бўлган яхшиланишларнинг қийматини давлат мулкидан текин фойдаланиш шартномаси бекор қилинган тақдирда фойдаланувчига қайтармаслик тўғрисидаги шарт назарда тутилиши мумкин.

### **30-модда. Давлат мулкани давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бериш**

Давлат мулкани давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, шу жумладан концессия шартномаси бўйича яқка тартибдаги тадбиркорга, юридик шахсларга ёки юридик шахсларнинг бирлашмаларига бериш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

### **31-модда. Давлат мулкани сақлаш**

Давлат мулки унинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш учун юридик шахсларга сақлашга топширилиши мумкин.

Давлат мулкани сақлашга топшириш балансда сақловчи ва юридик шахс ўртасида тузиладиган давлат мулкани сақлаш тўғрисидаги шартнома ёки давлат мулкани сақлаш учун қабул қилиш ҳақидаги битимга асосан амалга оширилади.

Давлат мулкани сақлаш тўғрисидаги шартномада ёки давлат мулкани



сақлаш учун қабул қилиш ҳақидаги битимда давлат мулкани сақлаганлик учун ҳақ тўланиши назарда тутилиши мумкин.

Сақловчи давлат мулкани сақлашда техник нормативларга ҳамда уни сақлаш ва (ёки) муҳофаза қилиш шартларига доир талабларга риоя этилишини таъминлаши шарт.

Сақловчи сақлаш учун қабул қилинган давлат мулкнинг йўқолганлиги, камомади ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади. Агар сақловчи давлат мулкнинг йўқолганлиги, камомади ёки шикастланганлиги ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир бўлганлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилинади.

### **32-модда. Давлат мулкани гаровга бериш**

Давлат мулки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ юридик шахсларга гаровга берилиши мумкин. Масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини гаровга бераётганда, агар жамият уставида жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингунига қадар мазкур розиликни олиш талаб этилади.

Давлат мулкани гаровга бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатли шахс (гаровга берувчи) ва гаровга олувчи ўртасида тузиладиган гаров шартномаси асосида амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган давлат мулкани, шунингдек ушбу Қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган ҳолларда давлат мулкани гаровга беришга йўл қўйилмайди.

Давлат мулкани жисмоний шахсларнинг ва нодавлат юридик шахсларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга бериш тақиқланади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **5-боб. Давлат мулки негизда корхоналарни ташкил этиш ва уларни қайта ташкил этиш**

#### **33-модда. Давлат иштирокидаги корхонани ташкил этишнинг умумий қоидалари**

Давлат иштирокидаги корхона давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлган тақдирда ташкил этилиши мумкин.

Давлат иштирокидаги корхонани ташкил этиш монополияга қарши курашиш органининг олдиндан берилган розилиги олинганидан кейин:

республика мулки негизда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра; муниципал мулк негизда — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра амалга оширилади.

**34-модда. Хўжалик жамиятининг акцияларини (улушларини) давлат мулки сифатида олиш**

Хўжалик жамиятининг акцияларини (улушларини) давлат мулки сифатида олиш Агентликнинг таклифига кўра, монополияга қарши курашиш органининг хулосасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади, бундан хўжалик юритувчи субъектнинг соф фойдасини (давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендларни) унинг устав фондига (устав капиталига) капитализация қилиш ҳоллари мустасно.

Хўжалик жамиятининг акцияларини (улушларини) давлат мулки сифатида олишга, агар бу давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Хўжалик жамиятининг акцияларини (улушларини) давлат мулки сифатида олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағлари ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**35-модда. Давлат иштирокидаги корхона ва давлат муассасасини ўзгартириш**

Давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси хўжалик фаолиятини юритишда бошқа нодавлат юридик шахслар билан тенг шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятининг самарадорлигини, очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадида хўжалик жамияти этиб ўзгартирилиши лозим.

Давлат мулкининг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш мақсадида, ўзгартириладиган давлат унитар корхонасининг ёки давлат муассасасининг раҳбари ўз розилигига асосан ўзгартириш натижасида ташкил этилган хўжалик жамиятининг раҳбари этиб тайинланиши мумкин.

Давлат унитар корхонаси хўжалик жамияти этиб ўзгартириладиганда унинг мулки инвентаризациядан ўтказилади ва хўжалик жамияти устав фонднинг (устав капиталининг) миқдори мулк баҳолашдан ўтказилмаган ҳолда, солиқ органларига тақдим этилган охириги бухгалтерия баланси маълумотларига асосан белгиланади.

Давлат муассасаси хўжалик жамияти этиб ўзгартириладиганда унинг мулки инвентаризациядан ўтказилади ва хўжалик жамияти устав фонднинг (устав капиталининг) миқдори мулк баҳолашдан ўтказилмаган ҳолда, давлат муассасаси мулкининг қолдиқ (баланс) қиймати бўйича белгиланади.

Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси хўжалик жамияти этиб ўзгартириладиганда мазкур хўжалик жамияти устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушига нисбатан акциядорнинг (иштирокчининг) вазифалари Агентлик томонидан амалга оширилади.

Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини хўжалик жамияти этиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ва мазкур жараён якунлангунига қадар ушбу корхонага ёки муассасага оператив

бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган давлат мулкини сотишга, ҳисобдан чиқаришга, гаровга беришга, юридик шахсларнинг устав фондларига (устав капиталларига) киритишга ёки уни бошқача тарзда тасарруф этишга ёхуд бошқача усуллар билан давлат мулкига нисбатан мажбуриятларни юзага келтиришга йўл қўйилмайди (бундан жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳоллар мустасно).

Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси хўжалик жамияти этиб ўзгартирилаётганда хўжалик жамиятининг устав фондига (устав капиталига) хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки киритилмайди.

### **36-модда. Давлат муассасасини ташкил этиш**

Давлат муассасаси давлат мулки негизида ташкил этилади.

Давлат муассасаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажараётганда қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари, шунингдек давлат мулкини бошқариш субъектларининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилади.

### **6-боб. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш**

#### **37-модда. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқаришнинг умумий қоидалари**

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш, шу жумладан уларнинг бошқарув органларини шакллантириш қонунчиликда белгиланган тартибда корпоратив бошқарув принципларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **38-модда. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини молиялаштириш**

Давлат унитар корхонасининг фаолияти ўз маблағлари, давлат органлари ва ташкилотларининг (мулкдорларнинг) маблағлари ҳамда қонунчиликда белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### **39-модда. Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш**

Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида тегишинча Агентлик, махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг ҳисобдорлигини назорат қилади ва тегишли бизнес-режалар кўрсаткичлари бажарилмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўради;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг ривожлантириш стратегиялари

тасдиқланишини мувофиқлаштиради ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари таркибига мустақил аъзоларни жалб этади;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва халқаро кредит рейтингларига эришиш масалаларини мувофиқлаштиради;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг соҳага оид бўлмаган активларини қисқартириш чораларини кўради;

харидлар жараёнларини аудитдан ўтказиш, шунингдек коррупцияга қарши курашиш ички назоратининг самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари томонидан ҳар чоракда ижроия органларининг корхона фаолиятининг самарадорлиги, шу жумладан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботлари эшитиб борилишини назорат қилади;

корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилиши йилига камида бир марта баҳолашдан ўтказилишини назорат қилади;

давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари ва ижроия органлари аъзоларининг жавобгарлиги суғурта қилинишини назорат қилади.

#### **40-модда. Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизими жорий этилишини баҳолаш тартиби**

Давлат иштирокидаги корхонада корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилиши баҳолашдан ўтказилади. Баҳолаш натижалари давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгашининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда унинг аъзоларига ҳақ тўлаш механизми мазкур баҳолаш натижаларига боғланган ҳолда ишлаб чиқилади.

Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилишини баҳолаш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

#### **41-модда. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

Давлат иштирокидаги корхоналарда уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилади.

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари самарадорликнинг белгиланган даврийлик бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган муҳим кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари давлат иштирокидаги корхонанинг стратегик ривожланиш режаларига асосланган, ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган, миқдорий ўлчовга оид баҳолаш мезонларидан иборатдир.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари рўйхати давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

Давлат иштирокидаги корхоналар Агентликнинг махсус ахборот тизимига бизнес-режалари кўрсаткичларининг ва самарадорликнинг муҳим кўр-

саткичлари бажарилиши тўғрисидаги, шу жумладан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилиши, солиқлар ва йиғимларнинг тўланганлиги, мавжуд қарздорлик, маҳаллийлаштириш ҳамда инвестиция лойиҳалари ҳақидаги ахборотни, шунингдек молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштиради.

**7-боб. Давлат иштирокидаги корхонанинг бошқарув органлари фаолиятига доир асосий талаблар**

**42-модда. Давлат иштирокидаги корхонанинг юқори бошқарув органи**

Қуйидагилар давлат иштирокидаги корхонанинг юқори бошқарув органи ҳисобланади:

хўжалик жамияти акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши;

давлат унитар корхонасининг муассиси.

Давлат иштирокидаги корхона акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилишида давлат вакили — давлат улушини ишончли бошқаришни амалга оширадиган инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ёки тегишли ишончномага асосан давлат улуши бўйича овоз бериш ваколатига эга бўлган жисмоний шахс иштирок этади.

Давлат иштирокидаги корхоналар акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилаётганда кузатув кенгаши уларни олдиндан кўриб чиқади ва кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича сайланган аъзолари улар бўйича овоз бериш тартиби тўғрисидаги таклифларни тегишинча давлат улушига нисбатан акциядорлар (иштирокчилар) бўлган Агентликка, махсус ваколатли давлат органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этади:

соф фойдани тақсимлаш ва унинг бир қисмини дивидендларга йўналтириш;

корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

ташкилий тузилмани тасдиқлаш;

корхонанинг ижроия органини сайлаш, тайинлаш, ёллаш, унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

акцияларни бўлиш ва консолидациялаш;

корхонанинг устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш;

мулкни гаровга бериш;

йирик битим тузиш ёки корхонанинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш.

Агентлик, махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг кун тартибидаги, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масала-

лар бўйича овоз бериш тартиби тўғрисидаги ёзма кўрсатмани давлат вакилига йиғилиш ўтказилгунига қадар камида бир кун олдин беради. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилмаган қолган масалалар бўйича давлат вакили қонунчиликка ва давлат мулкани ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ мустақил равишда қарорлар қабул қилади.

#### **43-модда. Давлат иштирокидаги корхонанинг кузатув кенгаши**

Давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгашлари ташкил этилади. Кузатув кенгаши аъзолари ушбу Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда танлаб олинади ва акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг, муассиснинг қарори асосида уч йил муддатга сайланади.

Давлат иштирокидаги корхонанинг кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда корхона манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат улуши бўйича кузатув кенгаши аъзоси бўлган шахс давлат иштирокидаги корхоналарнинг бештадан ортиқ кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашларига кузатув кенгашининг мустақил аъзолари ҳам киритилади.

Давлат иштирокидаги корхонанинг кузатув кенгаши мажлислари заруратга қараб, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Давлат иштирокидаги корхонанинг кузатув кенгаши фаолияти самарадорлиги ушбу Қонуннинг 40-моддасига асосан ўтказиладиган корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилишини баҳолаш натижаларига кўра баҳоланади.

Давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича сайланган аъзолари ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши мажлисларида мустақил равишда қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Мустақил равишда қарорлар қабул қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда мазкур шахслар ўз мажбуриятларини бажаришни рад этиши керак.

Давлат иштирокидаги корхонанинг кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши аъзолари орасидан аудит бўйича қўмита, тайинловлар ва ҳақ тўлаш бўйича қўмита, харидлар бўйича қўмита ҳамда зарур бўлганда бошқа қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

#### **44-модда. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзолигига давлат улуши бўйича номзодларни танлаш**

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзолигига давлат улуши бўйича номзод тегишинча Агентлик, махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан танланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг давлат улуши бўйича кузатув кенгаши аъзоларини танлаш қоидалари (танлов регламенти) Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан тасдиқланади. Танлов регламентида давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кузатув кенгашлари аъзолигига номзодларга қўйиладиган мезонлар белгиланиши ва мазкур мезонлар асосида танлов ўтказилиши назарда тутилиши керак.

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти соҳасини лицензиялаш, тартибга солиш ёки назорат қилиш вазифаларини амалга оширувчи давлат органларининг ходимлари, шунингдек, молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширувчи органларнинг ходимлари ушбу корхоналар кузатув кенгашининг таркибига киритилиши мумкин эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

#### **45-модда. Давлат иштирокидаги корхонанинг ижроия органи**

Давлат иштирокидаги корхонанинг ижроия органи раҳбари кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши ёки муассис томонидан уч йил муддатга сайланади ҳамда унинг фаолияти натижалари қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда муддатидан олдин лавозимидан озод этилиши мумкин.

Давлат иштирокидаги корхонанинг ижроия органига тўланадиган ҳақ миқдори акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши ёки муассис томонидан тасдиқланган мукофотлашнинг шаффоф тизимига асосланиши керак.

### **8-боб. Давлат мулки реестрини юритиш**

#### **46-модда. Давлат мулки реестрини юритишнинг умумий қоидалари**

Давлат мулки реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган тартибда ва шаклда Агентлик томонидан амалга оширилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган давлат мулки мустасно.

Давлат мулки реестрида республика мулкининг ва муниципал мулкнинг ҳисоби алоҳида юритилади. Муниципал мулкнинг ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кесимида, туманлар (шаҳарлар) кесимида алоҳида юритилади.

Давлат мулки реестрининг маълумотларидан ваколатли давлат органлари томонидан давлат мулкни бошқариш ва унинг яхлитлигини ҳамда бут сақланишини таъминлаш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда фойдаланилади.

Давлат мулки реестрини юритиш давлат мулкни ҳисобга олиш ва ахборотга оид мақсадлар учун мўлжалланган ҳамда ҳуқуқни белгиловчи ёки ҳуқуқни тасдиқловчи факт бўлиб ҳисобланмайди.

Махфийликнинг алоҳида тартиби татбиқ этиладиган давлат мулкининг, шу жумладан ҳарбий ва махсус мақсадлар учун мўлжалланган алоҳида тартибга бўйсунувчи, алоҳида муҳим ва муайян тартибга бўйсунувчи объектлар-

нинг, шунингдек гидротехника иншоотларининг ҳисобини юритиш қонунчилиқда белгиланган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

**47-модда. Давлат мулки реестрида ҳисобга олиниши лозим бўлган давлат мулки**

Давлат мулки реестрида қуйидаги давлат мулкининг ҳисоби юритилади:  
давлат улуши;  
давлат унитар корхоналари;  
давлат муассасалари;

давлат унитар корхоналарига ва давлат муассасаларига ёки уларнинг таркибий бўлинмаларига бириктирилган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари, моддий маданий мерос объектлари, интеллектуал мулк объектлари ҳамда автомобилотранспорт воситалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат мулки реестрини юритиш тартибда давлат мулки реестрида ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа давлат мулки ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган давлат мулкининг ҳисобини юритиш қонунчилиқда белгиланган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

**48-модда. Давлат мулки реестрини шакллантириш бошқичлари**

Давлат мулки реестри ягона марказлаштирилган электрон ахборот маълумотлар базаси шаклида юритилади.

Давлат мулки ўзига бириктирилган (шу жумладан эгалик қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бошқача тартибда бириктирилган) юридик шахслар қонунчилиқда белгиланган тартибда ушбу мулкнинг идоравий ҳисоби юритилишини, унинг инвентаризация қилинишини ҳамда қайта баҳоланишини таъминлайди. Бунда давлат мулкининг идоравий ҳисобини юритиш давлат мулкининг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлашга, шунингдек ҳисобга олинмаган давлат мулкини аниқлашга ҳамда кейинчалик уни тегишли давлат мулкини бошқариш субъектига бириктиришга қаратилган бўлиши керак.

Давлат мулки ўзига бириктирилган юридик шахслар ушбу Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда электрон ахборот тизими орқали Агентликка тақдим этади.

Давлат мулки реестрини шакллантиришда Агентлик қуйидаги ташкилотларнинг давлат мулки тўғрисидаги дастлабки маълумотларидан фойдаланади:  
акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) давлат улуши бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонасининг;

масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) давлат улуши, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари, шунингдек давлат мулки бўлган интеллектуал мулк объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг;



давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг;

давлат мулки бўлган моддий маданий мерос объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг;

давлат мулки бўлган автотранспорт воситалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг.

#### **49-модда. Давлат мулки реестрини юритишга доир талаблар**

Давлат мулки реестрини юритиш ушбу Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида киритиш, тўлдириш, янгилаб бориш ҳамда давлат мулки таркиби ҳақидаги ҳақиқий, холис ва ишончли маълумотларни акс эттиришга қаратилган бошқа ҳаракатларни бажариш йўли билан амалга оширилади.

Давлат мулки реестрини юритишда давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар давлат мулкига тааллуқли ўзгаришлар ҳақидаги тарих сақланган ҳолда тўлиқ ҳажмда акс эттирилиши керак. Бунда мулкнинг давлат мулки реестрига киритилиши ва унинг кейинчалик давлат мулки таркибидан чиқарилиши алоҳида ҳисобга олинади. Давлатнинг мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тугатилиши ушбу мулк тўғрисидаги маълумотлар киритилишини ва унинг ҳисоби юритилишини тўхтатиш учун асос бўлади.

#### **9-боб. Давлат мулкини бошқариш соҳасидаги ахборотни ошкор қилиш**

#### **50-модда. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни ошкор қилиш**

Давлат муассасалари, шу жумладан давлат органлари, шунингдек давлат иштирокидаги корхоналар ҳар йили 1 июлга қадар бўлган муддатда давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган молия йилидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборотни Агентликка у томонидан белгиланган шакл бўйича тақдим этади.

Агентлик ҳар йили 1 августга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган молия йилидаги фаолиятининг самарадорлиги тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

#### **51-модда. Давлат мулкини сақлаш харажатлари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлиги**

Давлат мулкнинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ тегишинча ушбу давлат мулки ўзига бириктирилган давлат органлари, Агентлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштирилади.

Давлат мулкнинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тўғрисидаги ахборот ушбу давлат

мулки ўзига бириктирилган юридик шахсларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади, бундан қонунга мувофиқ ошкор қилинмайдиган маълумотлар мустасно.

### **10-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **52-модда. Низоларни ҳал этиш**

Давлат мулкани бошқариш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **53-модда. Давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **54-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### **55-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### **56-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 март,  
ЎРҚ–821-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 72

#### **Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида\***

Тўлов хизматлари бозорида илғор тўлов турлари ҳамда усуллари салмоғини ошириш, соғлом рақобат ва янги технологик ечимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 майдан бошлаб иловада келтирилган, бенефициари бюджет ва корпоратив буюртмачи ҳисобланган тўловлар бўйича тўлов хизматлари кўрсатганлик учун воситачилик ҳақи (йиғимлар) тўлов шаклидан қатъи назар тўловчи — жисмоний шахсдан эмас, балки тўлов суммасидан чегириб қолиш йўли билан ундирилади.

Мазкур бандда кўрсатилган тўловларнинг бенефициари ҳисобланган бюджет ва корпоратив буюртмачилар 2023 йил 1 майга қадар тўлов хизматлари кўрсатишга доир амалдаги шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

Бунда, воситачилик ҳақи (йиғимлар) миқдори тўлов суммасининг бир фоизигача, бироқ жами суммаси Марказий банк томонидан белгиланадиган чегаравий миқдорлардан кўп бўлмаган миқдорда бўлиши назарда тутилсин.

2. 2023 йил 1 майга қадар Тошкент шаҳрида ҳуқуқий эксперимент тариқасида виртуал касса билан қамраб олинган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида Марказий банк томонидан белгиланадиган чекланган лимит ва кунлик нақд пул тушумлари доирасида нақд пул ечиш хизматини кўрсатиш амалиёти жорий этилсин.

Бунда, мазкур бандда кўрсатилган нақд пул ечиш хизматини кўрсатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

3. Марказий банк «НУМО» ва «UZCARD» тўлов тизимлари ўзаро интеграциясини босқичма-босқич, жумладан 2023 йил май ойига қадар банкматлар ҳамда 2023 йил якунига қадар тўлов терминаллари тизимини интеграция қилиш ишларини якунласин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар Ягона ғазна ҳисобварағи орқали ҳисоб-китобларни 24/7 режимида онлайн тартибда амалга ошириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимини Марказий банкнинг «Тезкор тўловлар» тизимига интеграция қилишни таъминласин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 мартда эълон қилинган.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 март,  
ПҚ–88-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 9 мартдаги  
ПҚ–88-сон қарорига  
ИЛОВА

**2023 йил 1 майдан бошлаб воситачилик ҳақи  
(йиғимлар) тўлов суммасидан чегириб қолиш йўли билан  
ундириладиган, бенефициари бюджет ва корпоратив  
бюджетмачи ҳисобланган тўловлар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Тўловлар тури</b>
1.	Барча турдаги давлат божи ва маъмурий жарималар бўйича тўловлар
2.	Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари, шу жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматларига тўловлар
3.	Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, қайта тайёрлов, малака ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларига тўловлар
4.	Барча турдаги коммунал хизматлар учун тўловлар
5.	Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича ундириладиган тўловлар
6.	«E-auksion» электрон савдо платформаси ва «K-Savdo» автоматлаштирилган ахборот тизимига тўловлар
7.	Авиа, темир йўл ва бошқа жамоат транспортларига чипталарни харид қилишдаги тўловлар

*Изоҳ: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда мазкур рўйхатга қўшимча тўлов турлари киритилиши мумкин.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**73 Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнги йилларда мамлакатимизда кекса авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган йилда 965 минг нафар нуроний бепул тиббий кўриқдан ўтказилди, 23 минг нафар нуроний дори-дармон ва озик-овқат билан таъминланди, 21 мингдан ортиқ нуронийлар санаторийларда соғломлаштирилди, 19 минг нафари реабилитация техник воситалари билан таъминланди, 118 минг нафар нуронийларга бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди, 221 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва якка ёлғиз кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, 1 миллиондан ортиқ нуронийлар учун мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди.

Нуронийлар ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиб, ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар натижасида 155 мингга яқин профилактик ҳисобда турган ёшларнинг соғлом турмуш тарзига қайтишига, 22 мингдан ортиқ оилалар ажримининг олди олинishiга ҳамда 3 мингдан ортиқ нотинч оилаларнинг яраштирилишига эришилди.

Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини юқори даражага кўтариш ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг (кейинги ўринларда — «Нуроний» жамғармаси) ташаббусига мувофиқ унинг фаолиятини жадаллаштириш борасидаги устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Нуроний» жамғармаси ва кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Васийлик кенгашини 2-иловага\*\* мувофиқ таркибда ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларини тегишлича «Нуроний» жамғармаси бўлимлари Васийлик кенгашлари раиси этиб белгилаш;

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчисини «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг раиси этиб белгилаш;

«Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 мартда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) бўлими раҳбарларига бир вақтнинг ўзида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг маслаҳатчиси мақомини бериш.

3. Белгилансинки:

2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан «Нуроний» жамғармасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади;

«Нуроний» жамғармасининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари тузилмалари Вазирлар Кенгаши билан келишилган ҳолда унинг раиси томонидан тасдиқланади.

4. «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилига мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган фаол нуронийларга бириктирилиши белгилансин. Бунда:

маҳаллалардаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида ўн нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктириб чиқилади;

бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, ҳунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги барча таълим муассасаларига бириктирилади.

5. «Нуроний ҳар бир оилага масъул» лойиҳаси асосида оилалардаги аҳиллик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига «Кексалар маслаҳати» гуруҳларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади.

«Нуроний» жамғармаси (С. Турдиев) Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари қарорига биноан «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили ҳамда «Нуроний ҳар бир оилага масъул» лойиҳаси асосида фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нуронийларни «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш тизимини жорий этсин.

Белгилансинки, маҳаллаларда фаолият юритаётган «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари раҳбарлари «Нуроний» жамғармаси ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида рағбатлантириб борилади.

6. Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши ва «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг қўйидагилар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш билан боғлиқ ташаббусларига розилик берилсин:

нуронийларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари, Давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши;

аҳолининг ижтимоий соҳадаги муаммолари, жумладан озиқ-овқат ва дори-дармон нархларининг сунъий оширилиши ҳамда мактаблардаги ўқувчилар давомати, тадбиркорлик фаолияти, бандлик, томорқадан фойдаланиш ва бошқа йўналишлардаги муаммоларининг ҳал этилиши;

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси асосида олиб борилаётган ишлар; мактабгача ва мактаб таълими тизими муассасаларида «Иккита тил ва бир касб» тамойили асосида олиб борилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлиги.

7. «Нуроний» жамғармасининг Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар билан ҳамкорликда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) фахрий нуронийлар, ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар ўртасида «Уч авлод учрашуви» тадбирларини ташкил этиш.

б) касб-ҳунарга эга бўлмаган, ишсиз ва уюлмаган ёшлар билан юқори натижаларга эришган спортчилар, фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, ўзини ўзи иш билан таъминлаган ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда паралимпия спорт мусобақалари совриндорлари ўртасида «Матонат ва жасорат» тадбирлари ўтказиб борилади.

Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз матонати билан эришаётган ютуқлари, жамиятдаги ўрни ҳамда ибратли ҳаётини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш назарда тутилади.

8. Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. «Нуроний» жамғармасининг Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджет маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкни жалб этмаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш борасидаги ташаббуси маъқуллансин.

Бунда, «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Нуроний-сайёҳ» МЧЖга 2 та автобус кексаларни диққатга сазовор жойларга сайёҳлик сафарларини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун сотиб олиб берилгани инобатга олинсин.

10. «Нуроний» жамғармаси Республика Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарларига вазир ва унинг ўринбосарлари учун назарда тутилган тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 март,  
ПҚ-92-сон

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 11 мартдаги  
ПҚ-92-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг фаолиятини  
жадаллаштириш борасидаги устувор йўналишлари**

а) ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик, шукроналик, меҳнатсеварлик, миллий ва умуммиллий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилини жорий этиш орқали нуронийларнинг катта ҳаётий тажрибасидан кенг ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;

б) вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотлардаги Фахрийлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

в) Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш орти меҳнат фахрийлари ва ўзгалар парваришига муҳтож бўлган якка-ёлғиз нуронийлар ҳамда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ва ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлашда кўмаклашиш;

г) нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида «Нуронийлар маскани» мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

д) кексаларга тизимли равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитларни яратиб бориш;

е) фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

ж) тадбиркорликка ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган бой ҳаётий ва касбий малакага эга бўлган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I****74 Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlarining  
kasb etikasi qoidalarini tasdiqlash haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
7-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3422*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-iyuldagi PF–6256-son “O‘zbekiston Respublikasida sud-ekspertlik tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlarining kasb etikasi qoidalari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 7-mart,  
3-mh-son

O‘zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2023-yil 7-martdagi  
3-mh-son buyrug‘iga  
ILOVA

**Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari  
sud ekspertlarining kasb etikasi  
QOIDALARI**

Mazkur Qoidalar nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlarining kasb etikasiga oid asosiy qoidalar va talablarni (bundan buyon matnda kasb etikasi qoidalari deb yuritiladi) belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Kasb etikasi qoidalarining maqsadi nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlarida yuksak kasbiy madaniyatni shakllantirish, jamoatchilik ongida sud-ekspertlik faoliyatiga bo‘lgan hurmat va ishonchni oshirish hamda nodavlat sud-ekspertiza

\* Ushbu buyruq “Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi”da 2023-yil 9-martda e‘lon qilingan.

tashkilotlari sud ekspertlarining (bundan buyon matnda sud ekspertlari deb yuritiladi) odob-axloq qoidalariga zid bo'lgan xatti-harakatlarining oldini olish hisoblanadi.

2. Sud eksperti xizmat vazifasiga kirishganda nodavlat sud ekspertiza tashkilotining rahbari tomonidan mazkur kasb etikasi qoidalari bilan tanishtirilishi lozim.

3. Sud ekspertlari kasb etikasi qoidalariga so'zsiz rioya qilishi, o'z xizmat vazifalarini halol va vijdonan bajarishi, sud ekspertlarining sha'ni, qadr-qimmatini va ishchanlik obro'sini hamda sud-ekspertlik faoliyatining nufuzini saqlashi lozim.

4. Sud ekspertlari har qanday vaziyatda adolatli, halol va xolis bo'lishlari, sud-ekspertlik faoliyatining nufuzini pasaytiradigan, uning obro'siga putur yetkazadigan hamda sud ekspertlarining adolatli, halol va xolisligiga shubha tug'dirishi mumkin bo'lgan xatti-harakatlardan o'zlarini tiyishlari lozim.

## **2-bob. Sud ekspertlari faoliyatini amalga oshirishning asosiy prinsiplari**

5. Quyidagilar sud ekspertlari faoliyatining asosiy prinsiplari hisoblanadi: sud ekspertining mustaqilligi; sud-ekspertlik faoliyatini amalga oshirishda qonuniylikka rioya qilish; sud-ekspertlik faoliyatini amalga oshirishda inson huquqlari va erkinliklariga rioya etish;

tadqiqotlarning xolisligi, har tomonlamaligi va to'liqligi.

Sud ekspertining mustaqilligi prinsipiga asosan:

sud eksperti sud ekspertizasini o'tkazishda sud ekspertizasini tayinlagan organdan (shaxsdan), taraflardan va ishning natijasidan manfaatdor bo'lgan boshqa shaxslardan mustaqildir;

sud eksperti o'zining fan, texnika, san'at yoki hunar sohasidagi maxsus bilimlariga muvofiq o'tkazilgan tekshirishlar natijalariga asoslanib xulosa beradi;

sud ekspertizasini tayinlagan organ (shaxs), shuningdek boshqa davlat organlari, yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan taraflardan birortasining yoki ishning natijasidan manfaatdor bo'lgan boshqa shaxslarning foydasini ko'zlab xulosa olish maqsadida sud ekspertiga ta'sir ko'rsatilishiga yo'l qo'yilmaydi.

Sud-ekspertlik faoliyatini amalga oshirishda qonuniylikka rioya etilishi prinsipiga asosan, sud ekspertlari sud-ekspertlik faoliyatini O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilgan holda amalga oshiradi.

Sud-ekspertlik faoliyatini amalga oshirishda inson huquqlari va erkinliklariga rioya etilishi prinsipiga muvofiq:

sud-ekspertlik faoliyati O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi hamda qonunlarida nazarda tutilgan inson huquq va erkinliklariga rioya etilgan holda amalga oshiriladi;

shaxsning erkinligini vaqtincha cheklashni yoki uning shaxsiy daxlsizligi

buzilishini talab etuvchi sud-ekspert tekshirishlari faqat qonunda belgilangan asoslar va tartibda o'tkaziladi.

Tadqiqotlarning xolisligi, har tomonlamaligi va to'liqligi prinsipiga asosan:

sud eksperti tadqiqotlarni xolisona, qat'iy ilmiy va amaliy asosda, tegishli ixtisoslik doirasida, har tomonlama va to'liq hajmda o'tkazadi;

sud ekspertining xulosasi (xulosa) qilingan fikrlarning asosligi va ishonchliligini umum e'tirof etilgan ilmiy va amaliy ma'lumotlar bazasiga muvofiq tadqiqot imkoniyatini beradigan qoidalarga asoslanishi lozim.

### **3-bob. Sud ekspertlarining kasb etikasiga qo'yiladigan talablar**

6. Sud eksperti quyidagilarga majbur:

xizmat vazifalarini vijdonan va yuqori professional darajada bajarish;

mehnat intizomi, kasb etikasi va ish yuritish qoidalariga qat'iy rioya qilish, ish vaqtidan oqilona va samarali foydalanish;

sud ekspertizasini o'tkazish uchun zarur uskuna va materiallardan faqat xizmat maqsadlarida foydalanishni ta'minlash;

xizmat mavqeyidan davlat organlari va tashkilotlari, ularning mansabdor shaxslari, shuningdek jismoniy va yuridik shaxslarning faoliyatiga noqonuniy ta'sir ko'rsatish uchun foydalanmaslik;

o'z faoliyatida korrupsiyaviy holatlar vujudga kelishining oldini olish.

7. Sud ekspertiga quyidagilar taqiqlanadi:

sud-ekspertlik faoliyatini obro'sizlantiradigan harakatlarni amalga oshirish;

tadqiqot o'tkazish davomida o'ziga ma'lum bo'lgan ma'lumotlardan g'arazli yoki shaxsiy maqsadlarda foydalanish;

sud ekspertizasi natijalarini sud ekspertizasini tayinlagan organdan (shaxsdan) tashqari biron-bir shaxsga xabar qilish.

8. Sud ekspertlari mehnat faoliyati davomida quyidagilarga amal qilishi lozim:

xizmat majburiyatlarini bajarish vaqtida manfaatlar to'qnashuviga olib keladigan yoki olib kelishi mumkin bo'lgan shaxsiy manfaatdorlikka yo'l qo'ymasligi;

fuqarolarning jinsi, irqi, millati, fuqaroligi, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeyi kamsitilishiga olib keluvchi harakatlar (harakatsizlik)ga yo'l qo'ymasligi;

halol, adolatli va kamtar bo'lishi, shuningdek fuqarolarning ijtimoiy kelib chiqishi, iqtisodiy ahvoli va boshqa omillardan qat'iy nazar, xushmuomala, vazmin samimiy va odob doirasida munosabatda bo'lishi;

jamiyatda axloqning umume'tirof etilgan qoidalariga amal qilishi;

o'z xizmat vakolatlarini jismoniy va yuridik shaxslarning manfaatlarini ko'zlab bajarish yoki bajarmaslik evaziga ulardan biron-bir mukofot, foyda yoki sovg'alar olmasligi;

ish faoliyati davomida hamkasblariga hurmatda bo'lishi hamda ularning sha'ni va qadr-qimmatiga dog' tushiruvchi ma'lumotlar, tuhmat, turli uydirmalarni tarqatmasligi.

9. Sud ekspertlari kiyinishda quyidagi talablarga rioya etishi lozim: erkin harakatlanish uchun qulay va kasbga mos holda kiyinishi; atrofdegilarning e'tiborini o'ziga ortiqcha jalb qiladigan tarzda bo'lmasligi; kiyimlarning toza va dazmollangan bo'lishi; umume'tirof etilgan milliy-an'anaviy shakllarga va ma'naviy axloqiy tarbiyaga zid kelmaydigan kiyimlarda bo'lishi.

10. Sud ekspertlari ishdan tashqari vaqtda quyidagilarga majbur: umumqabul qilingan axloq normalariga rioya qilishlari va ularga zid bo'lgan xulq-atvor va xatti-harakatlardan o'zlarini tiyishlari; milliy urf-odat, qadriyat va an'analarga hurmat bilan munosabatda bo'lish; jamoat joylarida (kafe, restoran va boshqa ko'ngilochar maskanlarda) atrofdegilarning e'tiborini tortuvchi ortiqcha va salbiy harakatlarga yo'l qo'ymaslik;

jamoat tartibi va xavfsizligiga qarshi qaratilgan xatti-harakatlarni sodir etmaslik, mazkur noqonuniy harakatlarga boshqalarni jalb etmaslik yoki da'vat qilmaslik;

ish faoliyati bilan bog'liq ma'lumotlarni ishga aloqador bo'lmagan boshqa shaxslar ishtirokida muhokama qilmaslik.

#### **4-bob. Yakuniy qoidalar**

11. Sud ekspertlari tomonidan mazkur kasb etikasi qoidalariga rioya etilishi ustidan nazorat tegishli nodavlat sud ekspertiza tashkilotining rahbari hamda Adliya vazirligi tomonidan amalga oshiriladi.

12. Mazkur kasb etikasi qoidalarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**75** Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3423*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 30 декабрь,  
30/26-сон

*Келишилди:*

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**Д. ВАХАБОВ**

2022 йил 29 декабрь

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
30 декабрдаги 30/26-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги  
рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан  
ўтиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**бенефициар мулкдор** — юридик шахсга бевосита ёки билвосита эгаллик қилувчи ёки уни назорат қилувчи жисмоний шахс;

**билвосита эгаллик қилиш** — юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушга ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгаллик қилиш;

**ломбард** — шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**микромолия ташкилоти** — микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс;

**электрон платформа** — микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризалар ҳамда фаолиятни (ҳаракатни) бошлаганлик ва тугатганлик тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилиш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) махсус электрон тизими.

2. Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тўғрисидаги ариза ва хабарномалар (бундан буён матнда аризалар ва хабарномалар деб юритилади) тақдим этувчи ёки хабардор қилувчи шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

3. Тақдим этилган аризаларни кўриб чиққанлик ҳамда хабарномаларни юборганлик учун йиғим ундирилмайди.

4. Марказий банк қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни масъул давлат органлари ва ташкилотларидан, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки идентификация ID-карта) маълумотлари, фотосурати ва манзил-маълумот ахбороти;

юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси маълумотлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахснинг молиявий ҳисоботлари нусхалари;

Ўзбекистон Республикасида судланмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасида берилган олий маълумотни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжат ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар;

монополияга қарши органдан олган розилигини тасдиқловчи маълумотлари, агар рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бундай розиликни олиш талаб этилса.

Ушбу Низом ва унинг иловаларини тўлдириш ҳамда тақдим этишда мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

## **2-боб. Микромолия ташкилоти ҳамда ломбард фаолиятига доир талаблар ва шартлар**

5. Микромолия ташкилотининг фаолияти у ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказилганидан кейин, ломбард фаолияти эса ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинганлиги Марказий банк томонидан тасдиқланганидан кейин амалга оширилади.

6. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўрсатма, шунингдек ташкилотнинг турига қараб «микромолия ташкилоти» ёки «ломбард» деган сўз ёки сўз бирикмаси, микромолия ташкилотининг қисқартирилган номида эса (мавжуд бўлганда) «ММТ» деган қисқартма сўз бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илгари ташкил этилган ёки ташкил этилаётган банкларнинг ёхуд нобанк кредит ташкилотларининг фирма номлари билан чалкаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган фирма номларидан фойдаланиш тақиқланади, бундан микромолия ташкилотлари ва ломбардлар уларни ташкил этган банкларнинг фирма номларидан фойдаланиши мустасно.

7. Устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори:

микромолия ташкилоти учун — икки миллиард сўмни;

ломбард учун — беш юз миллион сўмни ташкил этади.

8. Микромолия ташкилоти ва ломбард устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган ёки ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома юборилган кунга қадар иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) пул маблағларидан Ўзбе-

кистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади. Бунда, мазкур маблағлар микромолия ташкилоти ҳисоб рўйхатидан ўтказилгунига қадар ёки ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома юборилгунига қадар банк ҳисобварағида сақланиши лозим.

9. Микромолия ташкилоти ва ломбард устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва мажбуриятлар юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек жинойӣ фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланиш тақиқланади.

10. Қўйидаги шахслар микромолия ташкилоти ва ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга бевосита ёки билвосита эгалик қилиши мумкин эмас:

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операциялар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайдиган давлат ёки ҳудуд резиденти бўлган ва (ёки) ушбу давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар;

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операциялар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ёки ушбу давлат ёки ҳудуд резиденти бўлган, унда яшайдиган ёки рўйхатдан ўтган бошқарув органи аъзоси мавжуд бўлган юридик шахслар;

ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ишчанлик обрўсига доир талабларга жавоб бермайдиган жисмоний шахслар;

бошқарув органлари аъзоси мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ишчанлик обрўсига доир талабларга жавоб бермайдиган юридик шахслар;

тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган шахслар;

сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар;

давлат органлари, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи бошқа нобанк кредит ташкилотлари.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган давлатлар ва ҳудудлар Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) асосида аниқланади.

11. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг қўйидаги раҳбар ходимлари (бундан буён матнда раҳбар ходимлар деб юритилади) мазкур Низомнинг 12-бандида келтирилган ишчанлик обрўсига доир талабларга мувофиқ бўлиши керак:

кузатув кенгаши аъзолари (агар мавжуд бўлса);

ижро этувчи орган аъзолари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифасини амалга оширувчи шахс;

бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс;



филиал раҳбари.

12. Ишчанлик обрўсига доир талабларга қўйидагилар киради:

иқтисодий соҳадаги жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳамда терроризмни молиялаштириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

молия (кредит) ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки унинг тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилишига, лицензияси чақириб олинишига ёки микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқарилишига олиб келган ҳаракатлар содир этишга ва (ёки) ҳаракатсизликка раҳбар ходимнинг алоқадорлиги тўғрисидаги далилларнинг мавжуд эмаслиги.

13. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг мазкур Низомнинг 11-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган раҳбар ходимлари қўйидаги малака талабларига мувофиқ бўлиши лозим:

ижро этувчи орган раҳбари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифаларини амалга оширувчи шахс — олий иқтисодий маълумотга ёки банк-молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;

бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс — олий маълумотга ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши.

14. Ломбард ўз фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномани юборгунига қадар касса хоналарининг Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларида (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаши шарт. Мазкур талабни бажариш ўрнига ломбард ўз фаолиятини комплекс суғурталаш полисини тақдим этишга ҳақли.

15. Мазкур бобда микромолия ташкилотларига нисбатан белгиланган талаблар микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотларига ҳам татбиқ этилади, бундан қўйидагилар мустасно:

мазкур Низомнинг 6-банди биринчи хатбошисида белгиланган фирма номига нисбатан талаблар;

раҳбар ходимларга нисбатан белгиланган малака талаблари. Бунда, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотининг ижро этувчи органи аъзоларидан бири мазкур Низомнинг 13-банди иккинчи хатбошисида белгиланган талабга мувофиқ бўлиши керак.

### **3-боб. Микромолия ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ҳамда фаолиятини тугатиш тартиби**

16. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун микромолия ташкилоти у давлат

рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза;

2) микромолия ташкилотининг иштирокчилари (акциядорлари) мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган шахслар эмаслигини тасдиқловчи қуйидаги (тегишлилиги бўйича):

жисмоний шахснинг мазкур Низомнинг 2а-иловасига\* мувофиқ шаклдаги маълумотлари;

жисмоний шахс доимий яшаш жойига эга бўлган барча давлатларнинг (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) масъул органлари томонидан сўнгги 90 кун ичида берилган судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома;

юридик шахснинг мазкур Низомнинг 2б-иловасига\* мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

юридик шахс бошқарув органи аъзоларининг мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги маълумотлар. Бунда мазкур Низом мақсадлари учун юридик шахснинг бошқарув органи аъзолари деганда унинг кузатув кенгаши аъзолари ва ижро этувчи органи аъзолари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифасини амалга оширувчи шахси тушунилади;

юридик шахснинг бошқарув органи аъзолари доимий яшаш жойига эга бўлган барча давлатларнинг (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) масъул органлари томонидан сўнгги 90 кун ичида берилган судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома;

3) микромолия ташкилотининг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ахбороти;

4) микромолия ташкилотининг раҳбар ходимлари белгиланган ишчанлик обрўсига доир талаблар ва малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи қуйидаги:

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

мазкур банднинг 2-кичик банди учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжат;

тегишли олий маълумотга ёхуд етарли иш тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, бундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган олий маълумот ва иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар мустасно.

17. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) микромолия ташкилотини ташкил этганда ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этганда, мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилади:

1) жисмоний шахслар томонидан охирги икки йил учун даромадлар ҳақидаги декларация;

2) юридик шахслар томонидан:

юридик шахсни назорат қилиш органининг микромолия ташкилотини

---

\* 1 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкил этиш учун ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш учун рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги ҳақидаги тасдиқнома ёки унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган мавжуд эмаслиги тўғрисида юридик шахснинг тасдиқномаси;

аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботлар.

18. Марказий банк ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни, агар улар мазкур Низомнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ тақдим этилган бўлса, ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида кўриб чиқади ва ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисоб рўйхатидан ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Микромолия ташкилоти норезидентлар томонидан ташкил этилган ҳолларда ушбу муддат ўн иш кунига узайтирилиши мумкин.

19. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ тақдим этилмаган тақдирда, Марказий банк ушбу ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида микромолия ташкилотига (тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини кўрсатган ҳолда) ҳужжатлар кўриб чиқилмаслиги ҳақида хабарнома юборади.

20. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш даврида уларда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, микромолия ташкилоти бу ҳақда зудлик билан Марказий банкни хабардор қилиши ва янгиланган ҳужжатларни ўзгартиришлар юзага келган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида тақдим этиши керак. Бунда, ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ўн иш кунига узайтирилади.

21. Микромолия ташкилотига ҳисоб рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарнома ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай электрон платформа орқали юборилади.

22. Микромолия ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш Ўзбекистон Республикаси «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

23. Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда, мазкур Низомнинг 16-бандида ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этишга белгиланган муддат микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

24. Микромолия ташкилоти унинг ваколатли бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклда микромолия

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкilotи тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкilotи фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар реестридан чиқариш тўғрисида ариза тақдим этади.

25. Марказий банк микромолия ташкilotи тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкilotи фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида микромолия ташкilotи тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкilotи фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Марказий банк микромолия ташкilotи тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкilotи фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан бир иш куни ичида бу ҳақда ариза тақдим этувчини электрон платформа орқали хабардор қилади.

#### **4-боб. Ломбард фаолиятини бошлаганлик ва тугатганлик тўғрисидаги хабарномаларни юбориш тартиби**

26. Ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома ломбард давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 6-иловасига\* мувофиқ шаклда юборилади. Хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

1) мазкур Низомнинг 16-банди 2-кичик банди иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар;

2) ломбарднинг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун унинг иштирокчилари (акциядорлари) томонидан киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги ахборот;

3) ломбард раҳбар ходимларининг белгиланган ишчанлик обрўсига доир талаблар ва малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи мазкур Низомнинг 16-банди 4-кичик банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар.

Ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинганлиги у келиб тушган санадан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банк томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқнома ломбардга электрон платформа орқали юборилади.

Ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома, унга илова қилинган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкilotлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда мазкур Низом талаблари ва шартларига мувофиқ бўлмаганда, ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинмайди. Бу ҳақда Марказий банк томонидан ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома келиб тушган санадан эътиборан ўн иш куни ичида электрон платформа орқали ломбардга хабар юборилади.

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

27. Норезидентлар ломбардни ташкил этганда ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этганда, мазкур Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни тақдим этади:

юридик шахсни назорат қилиш органининг ломбардни ташкил этиш учун ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш учун рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги ҳақидаги тасдиқнома ёки унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган мавжуд эмаслиги тўғрисида юридик шахснинг тасдиқномаси;

мазкур Низомнинг 17-банди 1 ва 2-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар.

28. Ломбард Марказий банкка ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномани юборганда, қонунчилик ҳужжатларида ўз фаолиятини амалга ошириш бўйича белгиланган талабларга ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

29. Ломбард унинг ваколатли бошқарув органи томонидан ломбард фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ломбард фаолиятини тугатганлик тўғрисида хабарномани юборади.

30. Марказий банк ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Марказий банк ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан бир иш куни ичида бу ҳақда ломбардни электрон платформа орқали хабардор қилади.

### **5-боб. Микромолия ташкилоти ва ломбард иштирокчилари (акциядорлари) таркибининг ўзгариши**

31. Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар бир ёки бир нечта битим натижасида микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олгунига қадар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини (бундан буён матнда дастлабки рухсатнома деб юритилади) олиши шарт.

32. Дастлабки рухсатномани олиш учун микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олишни ниёт қилган шахс электрон платформа орқали Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда мазкур Низомнинг 8-иловасига\* мувофиқ шаклдаги аризани тақдим этади:

1) микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг иштирокчилари (акциядорлари) таркибига янги иштирокчи (акциядор) кирган тақдирда:

\* 7-8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олиш учун йўналтирила-  
диган маблағларнинг манбалари тўғрисида хужжатлар билан тасдиқланган  
мазкур Низомнинг 4-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ ахборотни;

мазкур Низомнинг тегишинча 16-банди 2-кичик банди иккинчи — олтин-  
чи хатбошиларида кўрсатилган хужжатларни;

мазкур Низомнинг 17-банди 1 ва 2-кичик бандларида кўрсатилган хуж-  
жатларни, агар микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги  
(устав капиталидаги) улушни олишни ният қилган шахс норезидент бўлса;

2) иштирокчига (акциядорга) тегишли ҳиссанинг миқдори (акциялар  
сони) кўпайтирилган тақдирда — мазкур банднинг 1-кичик банди биринчи  
хатбошисида кўрсатилган хужжатни.

33. Шахс микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги  
(устав капиталидаги) мазкур Низомнинг 31-бандида кўрсатилган ҳажмдаги  
улушни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда (ҳуқуқий ворислик, мерос, ҳадя  
ёки суднинг қарорига асосан мулк ҳуқуқини олиш) олган тақдирда, Марка-  
зий банкнинг кейинги рухсатномасини (бундан буён матнда кейинги рухсат-  
нома деб юритилади) олиш талаб этилади.

34. Кейинги рухсатномани олиш учун микромолия ташкилоти ёки лом-  
барднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни ўзига боғлиқ бўл-  
маган ҳолатларда олган шахс уни олган кундан эътиборан олтмиш кун ичида  
Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 9-илова-  
сига\* мувофиқ шаклдаги аризани тақдим этади. Аризага мазкур Низомнинг  
16-банди 2-кичик банди иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган  
хужжатлар илова қилинади.

35. Марказий банк дастлабки ёки кейинги рухсатномани бериш ёхуд  
дастлабки ёки кейинги рухсатномани беришни асослантирилган ҳолда рад  
этиш тўғрисидаги қарорни мазкур Низомнинг 32 ва 34-бандларида кўрса-  
тилган хужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида қабул  
қилади.

36. Дастлабки ёки кейинги рухсатномани беришни рад этиш Ўзбекистон  
Республикаси «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фао-  
лияти тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасида назарда тутилган ҳолатларда  
ва тартибда амалга оширилади.

37. Микромолия ташкилоти ёки ломбард иштирокчилар таркиби ўзгар-  
ганидан кейин уставга киритилган ўзгартиш ва (ёки) қўшимчаларни улар  
қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан беш  
иш куни ичида Марказий банкка тақдим этиши шарт.

### **6-боб. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг филиалларини очиш, ёпиш ҳамда уларнинг номи ва жойлашган ерини ўзгартириш**

38. Микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг филиали (бундан буён матн-  
да филиал деб юритилади) юридик шахс бўлмаган, ўз фаолиятини микро-

---

\* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молия ташкилоти ёки ломбард номидан унинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширадиган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

39. Микромолия ташкилоти ёки ломбард филиал очилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида бу ҳақда Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 10-иловасига\* мувофиқ шаклдаги хабарномани юборади ва унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилади:

ваколатли бошқарув органининг филиални ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

филиал ҳақидаги низом;

филиалнинг раҳбари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар.

40. Филиалнинг номи ёки жойлашган ери ўзгарганда, микромолия ташкилоти ёки ломбард тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 11-иловасига\* мувофиқ шаклдаги хабарномани юборади.

41. Филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, микромолия ташкилоти ёки ломбард тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 12-иловасига\* мувофиқ шаклдаги хабарномани юборади.

### **7-боб. Микромолия ташкилоти ва ломбардларни реестрдан чиқариш**

42. Микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрдан ёки ломбардни ломбардлар реестрдан чиқариш тўғрисидаги қарор Марказий банк томонидан қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунида ҳамда мазкур Низомда тақиқланган ва (ёки) назарда тутилмаган фаолият амалга оширилганда;

микромолия ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрдан чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, шунингдек Марказий банк ломбарднинг фаолияти тугатилганлиги ҳақида хабарнома олганда;

Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига микромолия ташкилотининг ёки ломбарднинг фаолияти тугатилганлиги ҳақида ёзув киритилганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда (кредиторларнинг талабларини уларни бажариш муддатлари бошланган кундан эътиборан уч ой ичида қаноатлантиришга қодир эмаслиги ва (ёки) мажбуриятларнинг активлардан ошиб кетганлиги);

Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилинганда;

\* 10 — 12-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

айрим операцияларни амалга ошириш бўйича чекловларнинг амал қилиш даврида микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан ушбу операциялар амалга оширилганда;

микромолия ташкилоти ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун аризада ёки ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарномада сохта ҳужжатлардан фойдаланганда — суд қарорига асосан.

43. Марказий банк қуйидаги ҳолларда микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

микромолия ташкилоти ёки ломбард нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этмаганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард устав фондининг (устав капиталининг) миқдори мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган миқдордан кам бўлганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард раҳбар ходимлари ишчанлик обрўсига доир талаблар ҳамда малака талабларига мувофиқ бўлмаганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард фаолияти кетма-кет олти ойдан ортиқ вақт давомида амалга оширилмаганда;

ломбард фаолиятини амалга ошириши учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида ёлғон ёки ишончсиз ахборот берилганда.

44. Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотидан тўлов ташкилотининг фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси чақириб олинганлиги унинг микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқарилиши учун асос бўлади, бундан унинг микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ҳоллари мустасно.

Тўлов ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур ташкилот:

лицензия чақириб олинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу ҳақда Марказий банкни хабардор қилиши;

микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ва Марказий банкка бу ҳақда лицензия чақириб олинган кундан эътиборан қирқ беш кун ичида маълумотлар тақдим этиши шарт. Ушбу маълумотлар тақдим этилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

45. Микромолия ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромо-



лия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбард ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида Марказий банкнинг хабарномасини олган санадан эътиборан янги хизматлар кўрсатишга ҳақли эмас.

46. Микромолия ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбард ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида Марказий банк томонидан қарор қабул қилинганидан кейин ўттиз кун ичида ўз фирма номидан «микромолия ташкилоти» ёки «ломбард» деган сўзни ёки сўз бирикмасини, шунингдек «ММТ» деган қисқартма сўзни (мавжуд бўлганда) чиқариб ташлаши ёхуд фаолиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш натижасида тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

47. Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига доир низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

48. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**76 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1091-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 14 апрелдаги 110-сон «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) асосан **буюраман:**

**1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 8-моддасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилиниши ва эълон этилиши кераклиги;

Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сон «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасига мувофиқ илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан зарур ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши ҳамда илгари қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар-

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 мартда эълон қилинган.

нинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз ҳуқуқий аҳамиятини йўқотган бўлса, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Суд ижрочилари бўлимларида ижро ва иш юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 1091, 2001 йил 29 декабрь) ҳамда «Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1091-1, 2007 йил 5 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан 2023 йил 11 мартдаги 17/1-22-213-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 209-мх-сон «Суд ижрочилари бўлимларида ижро ва иш юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1091, 2001 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 23-24-сон);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 22-мх-сон «Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1091-1, 2007 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 4 — 6-сон, 57-модда).

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 март,  
4-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**77** Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3424*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирадди.

**Вазир**

**А. КУЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 2 март,  
51-сон

Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2023 йил  
2 мартдаги 51-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
tizimiga kontrakt бўйича ҳарбий хизматга номзодларни  
саралаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) тизимига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**контракт бўйича ҳарбий хизмат** — Қуролли Кучлар сафидаги

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 мартда эълон қилинган.

ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида вазирлик орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бажарадиган ҳарбий хизмат;

**ҳарбий-касбий саралаш** (бундан буён матнда саралаш деб юритилади) — фуқароларни контракт бўйича ҳарбий хизматга қўйилган талабларга мос келишини аниқлашга қаратилган тадбирлар комплекси (интеллектуал ривожланганлик ва психоэмоционал барқарорлик даражасини психологик ўрганиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, жисмоний имкониятларни, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизмат учун касбий жиҳатдан муҳим бўлган бошқа сифатларни баҳолаш);

**номзод** — контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ҳақидаги аризаси (билдиргиси) кўриб чиқиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

2. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш учун саралаш тадбирлари ташкил қилинади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) дастлабки ўрганиш (хужжатларни йиғиш ва ўрганиш, суҳбат);
- б) жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;
- в) психологик ўрганиш (номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш);
- г) тиббий кўриқ;
- д) мувофиқлаштиришдан ўтказиш.

3. Вазирлик учун зарур ҳолларда илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фан арбоблари, шунингдек маданият вакиллари, сўнгги уч йил давомида республика миқёсидаги спорт мусобақасининг ғолиби бўлган ёки халқаро миқёсдаги спорт мусобақасининг 1 — 3-ўринларидан бирини эгаллаган спортчилар истисно тариқасида саралашнинг фақатгина тиббий кўриқ ва мувофиқлаштиришдан ўтказиш босқичларидан ўтадилар.

## **2-боб. Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар**

4. Саралашда Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ёки олий маълумотга эга бўлган қуйидаги фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

- ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган шахслар;
- муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган қирқ ёшгача бўлган шахслар;
- резервдаги ва захирадаги қирқ ёшгача бўлган офицерлар.

Бунда, эркак жинсидаги номзод Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (ўтаётган) ёки сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни ўтаган ёхуд олий таълим муассасалари ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида ўқишни тугатган бўлиши, шунингдек ҳарбий рўйхатда турган бўлиши керак.

5. Контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишда номзод бўйи қуйидаги махсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

эркак жинсидаги номзоднинг бўйи — 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак;

аёл жинсидаги номзоднинг бўйи — 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак.

Ушбу бандда белгиланган талаблар мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларга, шунингдек ушбу Низомнинг 1-иловасидаги\* рўйхатга мувофиқ тор ихтисослик бўйича мутахассисликка эга бўлган номзодларга нисбатан татбиқ этилмайди.

6. Қўйидаги ҳолатларда саралашнинг исталган босқичида номзодни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш рад этилиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган, шунингдек бошқа давлатнинг фуқаролиги мавжуд бўлганда;

б) контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш имконини берувчи ёш чегарасидан ўтганда;

в) агарда эркак жинсидаги номзод контракт бўйича ҳарбий хизматга мажбур бўлмаса;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ контракт тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;

д) номзодга нисбатан жиноий иш қўзғатилган, унга нисбатан дастлабки тергов ёки суриштирув олиб борилаётган, жиноий иш судда кўрилаётган бўлса (бу ҳолатларда номзодни қайта кўриб чиқиш жиноий иш бўйича якуний қарор қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади);

е) жазо чорасидан ва амнистия қўлланилганидан қатъи назар содир этган жинояти учун айблов ҳукми мавжуд бўлса;

ж) агар номзод муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий хизматчининг номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатни содир этгани ёки хизмат вазифасига нолойиқ бўлиб қолганлиги сабабли бўшатиш бўлса;

з) соғлиғининг ҳолатига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилса;

и) мувофиқлаштиришдан ўтказиш босқичи талабларига жавоб бермаса.

### **3-боб. Саралаш тадбирларини ташкил этиш**

7. Саралаш тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш учун вазирликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари ва «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» давлат муассасаси бошлиғининг буйруғи билан доимий фаолият юритадиган Ҳарбий-касбий саралаш комиссиялари (бундан буён матнда Саралаш комиссиялари деб юритилади) ташкил этилади.

8. Номзодларни саралаш тадбирлари вазирлик тизимида мавжуд бирламчи бўш лавозимлардан келиб чиққан ҳолда йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

9. Саралаш комиссиялари вазирликнинг кадрлар билан ишлаш ва ҳар-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бий-касбий саралаш бўлими ҳарбий хизматчиси, шунингдек ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» давлат муассасаси бошлиғининг биринчи ўринбосари ва тегишли соҳавий хизмат ҳарбий хизматчилари орасидан 5 кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

Бунда:

вазирликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари — Саралаш комиссияси раиси;

«Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» давлат муассасаси бошлиғининг биринчи ўринбосари — Саралаш комиссияси раиси;

кадр органи ҳарбий хизматчиси — Саралаш комиссияси котиби ҳисобланади.

10. Саралаш комиссияси котиби томонидан ҳар йили январь ойининг ўнинчи санасига қадар саралаш тадбирларини ўтказиш бўйича режа-жадвал шакллантирилади ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Режа-жадвалда саралаш тадбирларини ўтказиш жойи ва вақти кўрсатилади.

11. Саралаш тадбирлари вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида ва «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» давлат муассасасида ўтказилади.

Вазирликнинг таркибий тузилмаларига номзодларни қабул қилиш учун саралаш тадбирлари ушбу таркибий тузилмалар жойлашган ҳудуддаги вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида ўтказилади, бундан «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» давлат муассасасида ўтказиладиган саралаш тадбирлари мустасно.

12. Саралаш комиссиясининг аъзоси бўлган вазирликнинг кадрлар билан ишлаш ва ҳарбий-касбий саралаш бўлими ҳарбий хизматчиси томонидан саралаш ўтказилишидан камида бир ой олдин вазирликнинг расмий веб-сайтида бўш лавозимлар бўйича маълумотлар, саралаш ўтказиш жойи ва кунлари, шунингдек хизматга қабул қилиш тартиби ва мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган имтиёзлар тўғрисидаги эълонлар жойлаштирилади.

13. Номзодларга қулайлик яратиш мақсадида вазирликнинг ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмаларининг ҳудудига кириш жойларида номзодларни саралаш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар ҳақидаги маълумотлар қайд этилган ахборот стендлари мажбурий тартибда жойлаштирилиши лозим.

14. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар орасидан контракт бўйича хизматга номзодларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **4-боб. Номзодларни дастлабки ўрганиш**

15. Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган фуқаро доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойидаги вазирликнинг ҳудудий бошқармаларига, шунингдек «Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси» давлат муассасасига кириш истагини билдирган номзодлар ушбу муассасага

мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади. Бунда, аризада номзоднинг паспорти ёки идентификация ID-картаси маълумотлари кўрсатилиши лозим.

Саралаш тадбирлари бошланганидан кейин мурожаат қилган номзодлар ушбу саралашда эмас, балки кейинги саралашда иштирок этишлари мумкин бўлади.

16. Номзод муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган бўлса, аризада контракт бўйича ҳарбий хизматдан бўшатилиш сабабини кўрсатиши лозим.

17. Навбатдаги саралаш тадбирлари бошланишидан ўн кун олдин Саралаш комиссияси томонидан саралашда қатнашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган номзодларга саралаш тадбирларининг бошланиш вақти ва жойи ҳақида хабар берилади.

18. Саралаш комиссиясининг навбатдаги қабул куни давомида номзодларни дастлабки ўрганиш ишлари амалга оширилади.

19. Номзод дастлабки ўрганиш вақтида Саралаш комиссиясига ўзини таништиради ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни комиссия котибига кўрсатади.

20. Саралаш комиссияси котиби саралаш учун ҳозир бўлган номзод ҳақидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги Номзодларни рўйхатга олиш ва дастлабки ўрганиш натижасини қайд этиш журналига киритади.

21. Номзод мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган талабга жавоб беришини аниқлаш мақсадида Саралаш комиссиясининг тегишли аъзоси томонидан унинг бўйи ўлчанади. Номзоднинг бўйи талабга жавоб бермаган ҳолларда, унга саралашнинг кейинги босқичида иштирок этишга рухсат берилмайди.

22. Дастлабки ўрганиш давомида Саралаш комиссиясининг суҳбат ўтказилишига масъул бўлган аъзоси (аъзолари) томонидан номзодга мазкур Низом талаблари, ҳарбий хизматчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар ва имтиёзлар тушунтирилиши ҳамда номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истаги бор ёки йўқлиги аниқланиши лозим.

23. Саралаш комиссияси аъзолари томонидан номзодни дастлабки ўрганиш натижаларига кўра шу куннинг ўзида номзодни саралашнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Бунда, номзоднинг бўйи талабга жавоб берганда ҳамда номзод контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган ҳолларда Саралаш комиссияси томонидан номзодни кейинги босқичга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

### **5-боб. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш**

24. Саралашнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичига ўтказилади.

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



25. Жисмоний тайёргарлик синови номзоднинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

26. Саралаш комиссияси котиби дастлабки ўрганиш натижалари эълон қилинган кунни жисмоний тайёргарлик синови ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида номзодларни хабардор қилади.

27. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси асосида амалга оширилади.

Бунда, номзодга ҳар бир машқни бажарганлик учун балл берилади. Умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

28. Номзодлар томонидан машқларни бажариш бошланишидан олдин уларга машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари Саралаш комиссияси аъзолари томонидан тушунтирилади.

29. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

30. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида Саралаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади.

31. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва натижалар шу заҳоти номзодларга эълон қилинади.

Қайднома Саралаш комиссиясининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида комиссия котибига топширилади.

32. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан жами тўпланган бали 15 баллдан паст бўлган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига ўтказилмайди.

33. Қоникарсиз баҳоланган номзод жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 марта навбатдаги саралаш тадбирлари давомида қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

### **6-боб. Номзодларни психологик ўрганиш**

34. Саралашнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини аниқлаш мақсадида психологик ўрганиш ўтказилади.

35. Номзодларни психологик ўрганиш мазкур Низомнинг 6-иловасига\* мувофиқ методика ва баҳолаш мезонлари асосида психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

36. Саралаш комиссиясининг аъзоси бўлган вазирликнинг кадрлар билан

\* 4 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаш ва ҳарбий-касбий саралаш бўлими ҳарбий хизматчиси психологик тест саволлари ва уларнинг жавоблари сақланиши ҳамда ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

37. Психологик ўрганиш натижалари қониқарсиз бўлган номзод психологик тест синовини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 марта навбатдаги саралаш тадбирлари давомида қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

38. Номзодлар томонидан тўлдирилган тестларнинг жавоб бланкалари психологик ўрганиш ўтказилгандан сўнг икки кун ичида Саралаш комиссияси томонидан текширилади.

Бунда, психологик тест синовининг натижалари бўйича у ўтказилган кундан бошлаб уч кун ичида Саралаш комиссиясининг психологик ўрганиш тадбирларида иштирок этган аъзолари томонидан психологик тест синовлари натижалари бўйича мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва имзоланади ҳамда комиссия котибига топширилади.

Психологик ўрганиш натижалари у ўтказилган кундан бошлаб уч кун ичида номзодларга эълон қилиниши лозим.

39. Саралаш комиссияси томонидан психологик ўрганиш натижаларига асосан қуйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига мувофиқлиги ҳақида;

номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига номувофиқлиги ҳақида.

40. Саралаш комиссияси котиби томонидан номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш тадбирларида қайд этган натижалари умумлаштирилиб, мазкур Низомнинг 8-иловасига\* мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади.

Бунда, баённомага номзодлар томонидан жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш тадбирларида қайд этилган натижалар мутахассисликлар кесимида кўрсаткичларнинг пасайиб бориш тартибида кiritилиши лозим.

41. Баённома Саралаш комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда Саралаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

42. Саралаш комиссияси котиби тасдиқланган баённоманинг қўчирмаси (нусхаси) у тасдиқланган кундан бошлаб беш иш куни ичида номзодларга уларнинг имзоси қўйдирилган ҳолда таништирилишини таъминлаши лозим.

43. Саралаш комиссиясининг баённомаси тасдиқланган вақтидан бошлаб кадрлар органлари томонидан бир йил давомида амалга ошириш учун ҳақиқий ҳисобланади, тиббий кўрик натижалари бундан мустасно.

44. Саралаш тадбирларининг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодларга мазкур Низомнинг 9-иловасига\* мувофиқ шаклда саралаш картаси тўлдирилади ва номзоднинг шахсий йиғмажилдига жамланади.

45. Саралаш тадбирлари бошланишидан олдин дастлабки ўрганиш,

---

\* 7 — 9-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижалари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруғига асосан вазирлик тизимининг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг кўрсатмасига асосан Апелляция комиссияси таркибига бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ҳам мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Саралаш тадбирларини ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

46. Дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижаларидан норози бўлган номзод ушбу натижалар бўйича хабардор қилинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида Апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

47. Апелляция комиссияси дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижаларидан норози бўлган номзодни шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

48. Апелляция комиссияси шикоят келиб тушган кундан бошлаб, беш кун ичида мазкур шикоятни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт.

Бунда, дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижаларидан норози бўлган номзод мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

49. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижаларига ўзгартириш киритиш.

50. Апелляция комиссиясининг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш натижаларига ўзгартириш киритиш ва номзодни ушбу саралаш тадбирларини муваффақиятли топширган деб топиш тўғрисидаги қарори асосида у тиббий кўрикдан ўтказиш учун тавсия этилади.

51. Апелляция комиссияси қарори устидан номзод юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

### **7-боб. Номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш**

52. Номзодлар соғлиғининг ҳолатига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташга яроқлилигини аниқлаш мақсадида улар тиббий кўриқдан ўтказилади.

53. Номзодларга тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланмалар Саралаш комиссиясининг котиби томонидан берилади.

54. Тиббий кўриқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) талабларига мувофиқ ўтказилади.

55. Тиббий кўриқ натижаларига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматга яроқсиз ёки кейинчалик қайта тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан доволанишга муҳтож деб топилган номзодлар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинмайди.

### **8-боб. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш**

56. Дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганишдан муваффақиятли ўтган ҳамда тиббий кўриқдан контракт бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилган номзодлар мувофиқлаштиришдан ўтказилади ва уларга вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларининг махфий бўлимлари (бўлимлари) томонидан махсус рухсатнома расмийлаштирилади.

Мувофиқлаштиришдан ўтказиш ҳамда махсус рухсатнома расмийлаштиришнинг талаблари хизмат сири ҳисобланади ва ошкор қилиниши ман этилади.

57. Мувофиқлаштиришдан ўтказиш ҳамда махсус рухсатнома расмийлаштириш натижаларига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб топилган номзодларга шу куннинг ўзида ёзма равишда хабарнома юборилади.

58. Саралашдан муваффақиятли ўтган номзодларга белгиланган намунадаги шахсий йиғмажилдлар расмийлаштирилади.

59. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганишнинг умумлаштирилган натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган, тиббий кўриқдан контракт бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилган ҳамда белгиланган шаклдаги махсус рухсатномага эга бўлган номзодлар тегишли мутахассислик бўйича бўш лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинади.

Бунда, икки ёки ундан ортиқ номзодларнинг умумий тўплаган баллари тенг бўлиб қолган тақдирда уларнинг психологик ўрганиш тадбирида қайд этган натижаси инобатга олинган ҳолда энг яхши кўрсаткичга эга номзод танлаб олинади.

60. Мутахассисликлар бўйича бўш лавозимлар мавжуд бўлмаган тақдирда номзодлар кадрлар захирасига киритилади.

### **9-боб. Якуний қоида**

61. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**78** «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ–798-сон «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ ва 8-сон «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1954, 2009 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 242-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор 2023 йил 30 апрелдан кучга киради.

**Камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазири**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 23 февраль,  
63-қ/қ-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 17 февраль,  
3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 мартда эълон қилинган.

Келишилди:

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**Д. ВАХАБОВ**

2023 йил 26 январь

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси**

**К. РАФИКОВ**

2023 йил 30 январь

Ўзбекистон Республикаси  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирлигининг 2023 йил 23 февралдаги  
63-қ/қ-сон ва Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг 2023 йил 17 февралдаги  
3-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари  
мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-бандидаги «ёшга тўлмаган шахслар» деган сўзлар «ёшгача бўлган ходимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 377-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги «ёшга тўлмаган шахслар» деган сўзлар «ёшгача бўлган ходимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу низом ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилайди.»;

в) 1-банддаги «жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар «ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 2-бобнинг номидаги «ёшга тўлмаган шахслар» деган сўзлар «ёшгача бўлган ходимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-банддаги «шахслар» деган сўз «ходимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 4-банддаги «шахсларнинг» деган сўз «ходимларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Иловада:

а) илова белгисидаги «ёшга тўлмаган шахслар» деган сўзлар «ёшгача бўлган ходимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) илованинг номидаги «шахсларнинг» деган сўз «ходимларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 7-martdagi 3-mh-son "Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlarining kasb etikasi qoidalarini tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2023-yil 7-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3422.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 декабрдаги 30/26-сон «Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3423.***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 11 мартдаги 4-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1091-2.***

4. Ўзбекистон Республикаси фавқулудда вазиятлар вазирининг 2023 йил 2 мартдаги 51-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги тизимига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3424.***

5. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 23 февралдаги 63-қ/қ-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 февралдаги 3-сон «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2023 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954-1.***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 209-мх-сон «Суд ижрочилари бўлимларида ижро ва иш юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруғи



(рўйхат рақами 1091, 2001 йил 29 декабрь), шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1091-1, 2007 йил 5 февраль).

*2023 йил 11 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**